

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил июнь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди, Қарши тумани “Пахтакор” МФЙдаги 37-сонли мактаб биносидида, очик сайёр суд мажлисида, туман суднинг раиси О.Шукуровнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Шомуратовнинг котиблигида, тарафлардан Қарши туман прокурорининг ёрдамчиси У.Эркинов, судланувчи [REDACTED] ва унинг химоячиси адвокат А.Муқимов, жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED]нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED]га оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – [REDACTED] йил [REDACTED] да [REDACTED] да туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қарши тумани, “Шодлик” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED] уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 май куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини иш хужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, уларнинг содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ҳамда томонларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2024 йил 5 апрель куни соат 18:00 ларда Қарши тумани, “Керайт” МФЙ ҳудудида жойлашган фуқаро [REDACTED]га тегишли “[REDACTED]” фермер хўжалиги ер майдонида турган [REDACTED] тегишли бозор баҳоси 2.400.000 сўмлик ер ағдаришда фойдаланиладиган бир дона плугни қаровсиз турганидан фойдаланиб, ушбу плугни яширин равишда қўлга киритиб, ўзи бошқариб келган “Хунје” русумли мотоциклига юклаб, ходиса жойидан яширинганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 5 апрель куни соат 18:00 ларда поччасига тегишли “Хунје” русумли мотоцикли Қарши тумани, “Керайт” МФЙ ҳудудида бошқариб кетаётиб, [REDACTED] тегишли “[REDACTED]” фермер хўжалиги ер майдонида турган плугни кўриб уни уғирлаш фикри пайдо бўлгани, жияни [REDACTED] олиб келиб, плугни ўзига тегишли эканини айтиб, уни мотоциклга юклаб олиб кетгани ва кейинчалик [REDACTED] сотиб юборгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, зарарларни коплагани, бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув



асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, [REDACTED] унга тегишли плугни ўғирлаб олиб кетган экани, ҳозирги кунда зарари қоплангани, [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, бирон-бир тазйиқ бўлмагани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] судда, [REDACTED] унга ўғирланган плугни сотган экани, тергов жараёнида зарари қоплангани, [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, бирон-бир тазйиқ бўлмагани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қопласа, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) билан ярашса ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд ярашув тўғрисидаги аризаларни жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, судланувчи [REDACTED] муқаддам судланмагани, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплангани, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ихтиёрий равишда ярашганликларини инобатга олиб, У.Казаковга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд [REDACTED] бир дона плугни қайтариб олгани ҳақидаги тилхатини жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] ва фуқаровий даъвогар [REDACTED] билан ўзаро ярашганлиги сабабли [REDACTED] нисбатан жиноят иши ҳаракатдан тугатилсин.

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ёзма далил [REDACTED] бир дона плугни қайтариб олгани ҳақидаги тилхати жиноят иши билан бирга сақлансин.

Етказилган зарар тўлиқ қоплангани қайд этилсин.

Ажримдан норози тарафлар 10 кунлик муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ҳамда прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

О.Шукуров

